

SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/2 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/B1342V3SI2Y2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

№ S/2 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

Специальный выпуск

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES
Special Issue

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Гайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Рахманова Мавлуда Эркин қизи СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРГА ХАЛҚЛАРНИ МАЖБУРИЙ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	9-16
Икромжонов Акмалжон Махмуджонович ФАХРУДДИН ЎЗЖАНДИЙ ЯШАГАН ДАВРДА МОВАРОУННАҲР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ВА ИЛМ ФАН РИВОЖИ.....	17-25
Холдоров Зоҳиджон Валижон ўғли ТУРКИСТОН ЛЕГИОНИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ТАРИХИДАН.....	26-34
Хамидова Дилфуза Улуғбек қизи НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА.....	34-41
Nag'ashboyev Qazbek Bozorboy uli SULTON RAHMONOV – SAYYORANING ENG KUCHLI ODAMI.....	42-49
Махмудов Махмуд Авазович ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ШАРОИТИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ТАБАҚАЛАШУВИ.....	50-58
Mamatov Bektosh Tolibjon o'g'li YALANGTO'SH VANODIR VA ASHTARXONIY HUKMDORLAR.....	59-66

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Muminova Elnoraxon Abdukarimovna “YASHIL” IQTISODIYOTGA O'TISHNING HORIJY TAJRIBALARI.....	66-75
Файзуллоев Мирсаид Шухратович СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТИЗИМИДА КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ.....	76-85
Кахарова Нилуфар Эркинжоновна ОКР МЕТОДОЛОГИЯСИ ХАҚИДА ТУШУНЧА, МАҚСАДИ, АФЗАЛЛИГИ, ЖАРАЁНДАН КУТИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР.....	86-91
Насруллоев Ҳаётжон Хабибуллоевич СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	92-99
Rahmonov Mirvoxid Rajabovich HUDUDNING INVESTISION JOZIBADORLIGI OMILLARINI EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH.....	100-107
Насруллоев Ҳикматулло Хабибуллоевич ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛИ ЕЧИМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	108-115
Тоштемиров Шохруҳ Тошпўлатович ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КАПИТАЛ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ.....	116-120

Насимов Равшанжон Азимович МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ ЮКИНИНГ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	121-130
Nabieva Nilufar Muratovna MARKETING AUDIT AND ITS IMPACT ON IMPROVING THE COMPETITIVENESS OF THE COMPANY.....	131-139
Отамуродов Нуриддин Нажмиддинович КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ COVID-19 ИНҚИРОЗ ДАВРИДА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ	140-148
Hoshimov Jahongir Ravshanbek o'g'li TO'G'RIDAN – TO'G'RI HORIJY INVESTITISYALARNI JALB QILISHDA MAMLAKAT XATARLARINI KAMAYTIRISH.....	149-155
Yusupov Farruxbek Farxodovich O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA SOLIQ MA'MURCHILIGIDA SOLIQ TO'LOVCHILARGA XIZMAT KO'RSATISHNI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI.....	156-162
Kunduzova Kumrixon Ibragimovna KICHIK BIZNES KORXONALARIDA MOLIYAVIY REJALASHTIRISH VA BYUDJETLASHTIRISHNING XUSUSIYATLARI	163-172
Зиёдинова Нилуфар Зариф қизи ИНВЕСТИЦИОН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ЎРНИ	173-179
Насимджанов Юнусжон Зоҳидович МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЕР СОЛИҒИ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	180-187
09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
Ҳакимов Акмалжон Мирзағаниевич ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ГНОСЕОЛОГИК МОҲИЯТИ	188-192
Холмирзаев Нодиржон Низомжонович УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ	193-198
Voboqulov Abror Abdug'ani o'g'li “OPEN ARTIFICIAL INTELLIGENCE GPT” TIL MODELINING FALSAFIY Tahlili	199-204
Ялгашев Бунёд Махмудович САМАРҚАНД ВОҲАСИ ЭТНИК ГУРУҲЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА УЛАРНИНГ ЯШАШ ТАРЗИ	205-213
Safarov Maqsudali ABU BAKR AR-ROZIYNING “TIBBI RUHONIY” (RUH TIBBIYOTI) ASARIDA G‘AZABNI VA INSONNING O‘Z KAMCHILLIKLARINI BARTARAF QILISH HAQIDA MULOHAZALAR	214-219
Сохибова Лола Жонибоевна ШАХС МАДАНИЙ САВИЯСИ – МАДАНИЙ РИВОЖЛАНГАНЛИК ИФОДАСИ	220-224

Адашова Махсума Махмудбоевна
ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ВА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ – ДУНЁ
ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА.....225-231

Mukhammediyarova Akhmaral
PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE CONCEPT OF NOOSPHERIC DEVELOPMENT IN THE
ECOLOGICAL AND GLOBAL SECURITY SYSTEM.....232-239

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Tilovov Ozod, Isoqulova Gulxon
FRAZEOLOGIK BIRLIKLARDA SONLARNING QO‘LLANILISHI VA ULARNING RAMZIY
MA‘NOLARI.....240-245

Surmilova Elena
GENDER STUDIES IN LINGUISTICS AND THEIR APPLICATION IN ENGLISH LANGUAGE
TEACHING246-252

Олимова Дилафрузхон Бахтиёржон қизи
ТИЛШУНОСЛИҚДА БАҲО КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ253-257

Djurayev Dilshod Mamadiyarovich, Radjabova Madinabonu Raimovna
XITOIY TILI GRAMMATIKASIDAGI “NATIJA TO‘LIQLOVCHISI (结果补语)”258-262

Azzamov Yusufjon Radjaboy o‘g‘li, Jo‘rayeva Xayriniso Shavkat qizi
EKOJURNALISTIKANING QO‘LLANILISH KATEGORIYALARI263-268

Fillipova Olga Igorevna
CONVERGENCE OF STYLISTIC DEVICES AS A CATEGORY OF REDUNDANCY.....269-278

Ismoilova Dilorom Rustamjon kizi
LEXICAL UNITS OF THE SEMANTIC FIELD “MURDER”279-285

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

Ильясов Баходир Ильясович
ELEKTRON DAVLAT XIZMATLARINI KO‘RSATISHNING TASHKILY-HUQUQIY MEKANIZMI VA
UNING RIVOJLANISH YO‘LLARI286-293

Чориева Хуршидабону Хуррам қизи
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ИШТИРОКИ294-299

Хаётов Анвар Хусанович
ХАЛҚАРО ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИНИНГ МУХТОР МАҚОМИ ВА ТУРЛИ ҲУҚУҚ
СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ300-307

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Журабекова Хабиба Мадаминовна
РЕЧЕВАЯ АКТИВНОСТЬ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР КОММУНИКАТИВНОЙ
КОМПЕТЕНТНОСТИ308-315

Tursunova Aziza Xoshimovna WEB TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA BILIMNI NAZORAT QILUVCHI DIDAKTIK VOSITALAR YARATISH USULLARI	316-321
Oblanazarov Faxriddin Asadovich FUTBOLCHILARNI TAYYORLASHDA TA'LIM VA MASHG'ULOTNING ASOSIY QONUN- QOIDALARINI AMALGA OSHIRISH	322-329
Isroilova Dildora Muxtarovna, Solijonova Dildora Ulugbekovna IJTIMOIY-SIYOSIY MATNLAR TARJIMASINI O'QITISHDA LINGVOMADANIY OMILLARNING O'RNI	330-335
Satvoldiyev Faxriddin Akbarali o'g'li MAKTAB O'QUVCHILARI HUQUQIY TA'LIM – TARBIYASINI SHAKLLANTIRISH BORASIDA OLIB BORILGAN TAJRIBA SINOV ISHLARI NATIJALARINING PEDAGOGIK TAHLILI	336-342
Jurayev Bobomurod Tojiyevich SHARQDA PEDAGOGIK FAOLIYATNING MAYDONGA KELISHI VA RIVOJLANISHI	343-350

12.00.00 – Юридик фанлар

Чориева Хуршидабону Хуррам қизи
ЎзМУ “Фуқаролик жамияти
ва ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси
Email: matnazarova2020@mail.ru

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ИШТИРОКИ

Аннотация. Ушбу мақолада жамият ва давлатда асосий функция вазифасини бошқарувчи орган сифатида ташкил топган, давлатнинг юксалшига асосий хизмат қилувчи орган сифатида, давлат бошқарувининг энг кичик бўғини бўлган ўзини ўзи бошқариш органларининг бугунги кундаги фаолияти ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: жамият, давлат, қонун, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларин, фуқаролик, ҳуқуқий муносабатлар

Чориева Хуршидабону Хуррам қизи
преподаватель кафедры «Гражданское общество
и юридическое образование» ТашГУ

УЧАСТИЕ ОРГАНОВ САМОУПРАВЛЕНИЯ ГРАЖДАН В ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВЫХ ОТНОШЕНИЯХ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация. В данной статье рассматривается деятельность органов самоуправления, являющихся мельчайшим звеном государственного управления, и их участие в правоотношениях, как основного служебного органа возвышения государства, являющегося главной функцией в обществе и государстве, научно исследовано.

Ключевые слова: общество, государство, право, органы самоуправления граждан, гражданство, правоотношения.

Choriyeva Khurshidabonu
Theacher of
National University of Uzbekistan

PARTICIPATION OF CITIZENS' SELF-GOVERNMENT BODIES IN CIVIL LEGAL RELATIONS IN THE NEW UZBEKISTAN

Annotation. This article discusses the activities of self-government bodies, which are the smallest link in state administration, and their participation in legal relations, as the main service body for the elevation of the state, which is the main function in society and the state, has been scientifically studied.

Key words: society, state, law, self-government bodies of citizens, citizenship, legal relations.

DOI: <https://doi.org/10.47390/B1342V3SI2Y2023N39>

Кириш

Дунёнинг глобаллашув жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими бошқарувнинг энг қуйи босқичи, демократик-ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси ҳамда жамиятни ижтимоий бошқаришнинг бир тури сифатида эътироф этилаётган бир пайтда, ушбу тизимни тартибга солиб турувчи миллий қонунчиликни такомиллаштириш бугунги кун давр талабига айланмоқда. Албатта, “мамлакатимизни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, фуқароларимизни ўз ҳаётидан рози бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан муносиб ҳаёт кечиршини таъминлаш бўйича олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширишда жамиятнинг энг муҳим бўғини ҳисобланган маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда” [1;].

Кейинги йилларда Ўзбекистон жамиятнинг кўпгина соҳалари ислоҳ қилинди, Хар бир босиб ўтилган давр ўзининг ижтимоий-сиёсий, маданий-ҳуқуқий соҳаларда ислоҳотларни амалга оширади. Амалга оширилган ислоҳотларнинг туб моҳиятида инсон омили ётади. Бу омил жамиятни ривожда асосий фигурани бажаради. Агар жамият ислоҳотнинг туб негизиде инсон омили бўлмас экан. Олиб борилаётган ислоҳотлар натжаси нолга тенг ҳисобланади,

Мамлакатимизда кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида “халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини жорий этиш; жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш; фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш; маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш” [2;].

Шунингдек тараққиёт стратегиясини ва янада ривожлантириш масалалари юқоридаги муаммо бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Адабиётлар таҳлили ва методология

Хорижлик олимлардан P.Heuwood ва A.Smith, S.Cornell ва J.Kalt, A.Astrauskas, R.Fazliu, H.Wollmann, R.Aijaz, Chun-Pin Su, Ch.Lu, Kh.Osmanova, A.Sauer кабилар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг конституциявий кафолатларини, ушбу тизимда коммуналарнинг ўрни, хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасининг қиёсий-таҳлили, тарихий ва назарий жиҳатлари, ҳуқуқий асосларини илмий таҳлил этганлар.

Ўзбекистонда юридик шахс сифатида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мақоми билан боғлиқ масалаларнинг муайян жиҳатларига Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, О.Оқюлов, М.Ҳ.Раҳмонқулов, Р.Ж.Рўзиев, Ш.Н.Рўзиназаров, Ф.Сайфуллаев, М.Б.Усмонов, Т.Умаров, Ф.Ю.Шодманов, Н.Ф.Имомов каби ҳуқуқшунос олимларнинг ишларида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи фанлари йўналишида М.Бойдадаев, Ш.И.Жалилов, О.Т.Ҳусанов, Г.Р.Маликова, Г.С.Исмаилова, З.Р.Рўзиев, А.Дадашева, Я.Олламов, З.Реймова, М.И.Сувонқулов, А.Тўлаганов ҳамда тарихчи олима Г.Б.Умаровалар томонидан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг муайян жиҳатлари, хусусан уларнинг тарихий ривожланиши, давлат ва жамият ҳаётида

қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги роли, фаолиятининг назарий-ҳуқуқий асослари ва ташкилий-ҳуқуқий муаммолари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлиги каби масалалар ўрганилган бўлса, Д.Аҳмедов, М.Усманова, Ш.Газиев ҳамда Х.Хусановалар томонидан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳимоя фаолияти билан боғлиқ йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Юқорида баён этилганлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш орган-ларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилиги асосида комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганилмаганлиги-дан далолат беради.

Муҳокама

Маълумки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви аксарият хорижий мамлакатларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш деб юритилади. Бу борада юридик адабиётларда хорижий мамлакатлар конституциясини ўрганиш шуни кўрсатадики, ўзини ўзи бошқариш органининг давлат ҳокимияти органларидан ажратилганлиги тўғрисидаги норма бирор бир мамлакат қонунчилигида (Россия Федерациясидан ташқари) кузатилмайди, [3;Б.63.]. деган нуқтаи назарлар илгари сурилади. З.Рўзиевнинг фикрича, эса маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамияти институтларидан бири ҳисобланади. [4;Б.173.]. Аксинча, Г.Маликованинг эътироф этишича, ҳаттоки, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг Европа Хартиясида ҳам, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди, деган бирорта жумла йўқ. [5; Б.63.].

Ўзбекистонда фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб усули – маҳалла институти азалдан чинакам миллий қадриятлар, эзгу амаллар маскани бўлган. Меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, етим-есир бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар маҳалла муҳитида шаклланган. Ушбу ноёб ижтимоий тузилма мамлакатимизнинг Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айланди.[6;] Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини ҳаётга татбиқ этишда энг муҳим ташкилий-институционал бўғинга айланди. [7; Б.61.]

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш муассасалари ва улар фаолиятининг кенгайтиши эса, бевосита маҳаллаларнинг мавқеини янада кучайтириш билан боғлиқ ҳисобланади. Маҳалла аслида бошқа мамлакатларда давлат бошқарувининг энг кичик бўғини сифатида фаолиятга эга эмас, фақат Ўзбекистонга хос, давлат билан фуқароларни боғлаб турувчи асосий механизмдир. Унинг фаолияти жараёнида давлат билан фуқаролар ўртасида алоҳида муносабат вужудга келади. Фуқаролик-ҳуқуқий жамият барпо этар эканмиз, бунда фақат фуқароларнинг жамият ва давлат ишларидаги иштирокини таъминлаш билан чегараланмайди. Бинобарин, ҳар қандай ҳуқуқий давлатнинг аъзоларини жамиятнинг тўла қонли аъзоси бўлиш учун имконият яратилишини назарда тутати. Бу ўз ичига сиёсий, иқтисодий, маънавий масалаларни олиш билан бирга асосан юридик жиҳатдан асосий механизм эканлиги муҳим аҳамиятга

эгадир. Чунки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллаларнинг фуқароларининг давлат ва жамият ҳаётида маълум мавқега эга бўлиш учун асос яратади. Бунда эса ҳар бир фуқаронинг, жамиятдаги ўрни ва ҳуқуқий муносабатларда иштирокини ижтимоий муҳофаза чораларини кучайтириш учун замин яратади. Шундай экан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки маҳаллаларнинг ваколатлари, асосан, аҳолини давлат ва жамият ишларида иштирокини таъминлаш, кам таминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан чекланиб қолмай, балки, уларнинг муҳим вазифаси ҳар бир шахснинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирокида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини, манавий камолотини ошириш учун, миллатчилик, маҳаллийчилик каби салбий жиҳатларни йўқотиш, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда киришишда ҳамма фуқароларнинг тенглигини таъминлаш борасида миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналарга, Ватанга, давлатга, бошқа фуқароларнинг манфаатига ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялашдек муҳим вазифа ҳисобланади.

Маҳалла институти юртимизда азалдан чинакам миллий қадриятлар, эзгу амаллар маскани бўлиб келган. Меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, етим-есир бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар маҳалла муҳитида шаклланган. Ушбу ноёб ижтимоий тузилма мамлакатимизнинг Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айланди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини ижтимоий ҳаётга татбиқ этишда энг муҳим ташкилий-институционал бўғинга айланди.

Маълумки, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғриси-да»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг [8;Б.96.]3-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масала-ларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолият эканлиги белгилаб қўйилган.

Юқоридаги таърифлардан шуни англаш мумкинки, «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш» тушунчаси демократик қадриятлар билан узвий боғлиқ бўлиб, маҳалла институти фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини эканлигини амалда исботлаб бермоқда.

Натижалар

Бугунги кунда эркин ва доимий равишда ўтказиб туриладиган сайловлар орқали фуқаролар йиғинлари органларининг шаклланиши демократик қадриятларнинг асосини ташкил этади. Бу шундан далолатки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини самарали ташкиллаштиришда, фуқароларнинг ҳуқуқий муносабатларини шакллантиришда сайлов тизимини амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқий муносабатларга киришишда муҳим жараён ҳисобланади.

Демак, маҳалла институтининг ҳақиқатда «халқ оммасини давлат, ҳокимият идоралари билан боғлаб турувчи кўприк» вазифасини ўташи, «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясининг амалиётга тўлақонли татбиқ этиш ҳамда

таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлашдаги ролини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, халқнинг чинакам маслақдоши ва кўмақдошига айлантириш мақсадида либерализм қоидаларини босқичма-босқич жорий этиш лозим.

Албатта, либерализмнинг инсон ва жамият учун берадиган имконият-ларини ҳам инкор этиб бўлмайди. Хусусан, либерализм меҳнат унумдор-лигини ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида фуқаролар фаоллигини оширишга хизмат қилади [9;Б.46]. Бунинг учун немис олими Вильгельм фон Гумбольдтнинг (1767-1835) «Давлат фаолияти чегарасини ўрнатиш тажрибаси» номли асарида (1851) таъкидланганидек, «давлат инсон учун кўпроқ қулай ҳолатларни вужудга келтириши зарур» [10;Б.627-635.] Дарҳақиқат жамиятнинг ривож ва юксалишида одатда фуқаролик институтларининг ўрни беқиёс ҳисобланади.Сабаби бундай жараёни дунёнинг риожланган мамлакатлаи босиб ўтган.

Ҳозирги куннинг энг муҳим муоммоларидан бири, жамоат тартибини сақлашни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашдир. Бу нарсани тегишли даражада ҳал қилмай туриб, ҳуқуқий давлат куриб бўлмайди, бозор иқтисоди муносабатини ўрнатиш ҳам мумкин эмас. Шунинг учун бу масалага ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ёндошмоқда, лекин масала шу даражада жиддийки, уни фақат давлат органларига таяниб ҳал қилиш мумкин эмас, у ишга кенг жамоатчилик фаол жалб қилиниши керак. Бу хусусда ҳам ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятдан кенг фойдаланилади, яъни қо нунга асосан улар тегишли органларга жамоат тартибини сақлашда, жиноятчиликнинг илдизини қуритишга кўмаклашади

Шунингдек, раис ўз худудидида вояга етмаганларни назоратини ташкил қилар экан, ота-онанинг қарамоғисиз қолган болаларни тегишли муассасаларга жойлаштиришга, аҳоли оммавий равишда дам оладиган жойларини ташкил қилишга, спорт иншоотлари тармоғини ри- вожлантиришга кўмаклашувини бир томондан фуқароларга нисбатан кўрсак, иккинчи томондан давлат органларига нисбатан кўрамиз. Ана шу кўмаклашув жараёнида маҳаллий ҳокимият орган лари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида тегишли муносабатлар вужудга келади. Раис кўпгина ҳолларда, қонун ва бошқа юқори давлат орган лари ҳужжатларини ўзи бажаради. Бунга мисол ,қилиб, ўзини ўзи бошқа риш органларини байрам кунлари ва шонли саналар муносабати билан оммавий тадбирларни ташкил қилиш, фуқароларнинг мурожаатларини ко риб чиқиши ва бошқаларни айтишимиз мумкин, бу ишларда ҳам маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзини ўзи бошқариш органи ўртасида муносабат вужудга келади.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг моҳияти ва аҳамиятини оширишга хизмат қиладиган ҳуқуқий механизмларни қонунчиликда белгилаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш истиқболда муҳим иқтисодий восита сифатида маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва ролини янада кучайтиришга, ушбу ноёб тузилманинг жойларда халқнинг маслақдоши ва кўмақдошига айлантиришга хизмат қилади. Ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил қилишда, шакллантиришда, Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи ушбу масалани ҳал қилишга миллий анъаналар, қадриятларни тиклаш, аҳолининг туб манфаатларига мос келувчи йўлни танлаш нуқтаи назаридан ёндашиш бўлди. Яъни,

ўзини ўзи бошқаришда асосий таянч (макон) қилиб маҳаллар белгиланди. Ўзбекистон маҳаллалари каби кучли, самарали ва таъсирчан восита бошқа мамлакатларда йўқ. У узоқ даврлардан ижтимоий ҳаётда беқиёс ўринга эга бўлиб келган. Инсон қалбида Ватан туйғусининг шаклланишига, миллий ғурурнинг вужудга келишига, миллатчилик иллатларидан ҳоли бўлишга катта таъсир кўрсатган. Маҳаллалардаги муҳит орқали жамоат фикрини тўлароқ аниқласа бўлади. Демак, ушбу хислат Ўзбекистонга хос хусусиятдир. Бу эса, умум эътироф этилган демократия йўлларига мамлакатимизнинг қўшган ҳиссасидир. Ёки бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон демократияни янги хислатлар билан бойитмоқда.

Adabiyotlar/Literatura/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги ПФ-5700-сон «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.
3. Маликова Г.Р. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтининг конституциявий (ҳуқуқий) асосларини такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фанлар доктори ... диссертацияси. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б.63.
4. Рўзиев З. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари / Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, профессор Ш.И.Жалилов. – Тошкент: «Истиклол нури», 2016. – Б.173.
5. Маликова Г.Р. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтининг конституциявий (ҳуқуқий) асосларини такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фанлар доктори ... диссертацияси. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б.63
6. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир / Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 2016 йил 19 октябрдаги VIII съездидаги маърузаси // uzlidep.uz.
7. Шодмонова С., Аҳмедов Т. Маҳалла комиссиялари фаолиятида трансформация жараёнлари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – 2014. – № 3. – Б. 61.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-350-сонли қонуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 й. – №4. – 96-м.
9. Жўраев Б.И. Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари: Юрид. фанлар доктори ... диссертацияси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, 2008. – Б.46.
10. Гумбольдт В. Опыт установления пределов государственной деятельности. В кн.: Антология мировой политической мысли. В 5 т. Т.1. Зарубежная политическая мысль: истоки и эволюция. – М.: Мысль, 1987. – С. 627-635.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ S/2 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

Специальный выпуск

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES Special Issue

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).